

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 868-ҳадис

1823/868 – وَعَنْهُ فِي رِوَايَةِ قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْقَاحِةِ مِنَ الْمَدِينَةِ عَلَى ثَلَاثٍ، وَمِنَ الْمُحْرِمُ وَمِنَ غَيْرِ الْمُحْرِمِ، فَلَكَرَ الْحَدِيثُ.

868A.1823. Абу Қатода розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Мадинадан уч (марҳала\*) узоклиқдаги Қоҳада\* эдик.

(Бошқа ривоятда шундай дейилган:) «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Қоҳада эдик».

Ичимизда эҳромдагилар ҳам, эҳром боғламаганлар ҳам бор эди. Бир пайт шерикларимнинг бир нимани кўриб қолгандек, бир-бирларига қарашаётганини кўриб қолдим. Қарасам, бир зебра турибди. Улар: «Биз эҳромдамиз, уни ушлашда сенга бирон ёрдам қила олмаймиз», дейишди. - Яъни унинг қамчиси тушиб кетган эди. - Мен унга (қамчимга) интилиб, уни олдим. Сўнг дўнглик ортидан зебранинг олдига келиб, уни жароҳатладим. Кейин уни шерикларимнинг олдига олиб келдим. Шунда баъзилари «Енглар» деса, бошқалари «Еманглар», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келдим. У зот биздан олдинда эдилар. У зотдан сўраган эдим, «**Уни еяверинглар, ҳалолдир**», дедилар».

Суфён айтади: «Амр бизга: «Солиҳнинг олдига бориб, ундан шу ва бошқалар ҳакида сўранглар. У мана шу жойда бизнинг олдимизга келган эди», деди».

\* Бир марҳала 44,352 км га тўғри келади. Яна 1406-ҳадиснинг изоҳига қаранг.

\* Қоҳа - Макка билан Мадина ўртасидаги водийлардан бири. У билан Суқёнинг ораси тахминан 2 километр.

**Изоҳ:** Суфён - ҳадиснинг ровийларидан бири. У ҳадисни Солиҳдан нақл қилган. Амр ибн Динор буюк тобеъинлардан. Суфён ибн Уяйна Масжидул Ҳаромнинг муҳаддиси бўлган. У мазкур ҳадисни бевосита Солиҳнинг ўзидан эшитганини таъкидлаш учун Амрнинг юқоридаги сўзини, яъни Солиҳнинг Маккага келганига гувоҳлик берганини келтирмоқда, чунки Солиҳ ибн

Кийсон мадиналик эди.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

